

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Ж.Тангматов, судья ёрдамчиси С.Саъдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жиззах шаҳар прокурори ёрдамчиси С.Маматкаримов, судланувчи Ғ.Мансуров ва унинг ҳимоячиси адвокат Т.Мамировнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 25,168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган Мансуров Ғолиб Фарходовичга оид 1-1301-2403/350-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Мансуров Ғолиб Фарходович (Mansurov G‘olib Farhodovich) 1985 йил 21 апрелда Жиззах вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, 05.07.2021 йилда ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган, Шароф Рашидов тумани “Электр тармоқлари” корхонасида назоратчи-инспектор лавозимида ишлаган, Жиззах шаҳар, Сайилжойи маҳалласи, Сангзор кўчаси, 2/1-уйда яшайди, 27.07.2024 йилда “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 13 сентябрь куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, йиғилган далилларга ҳукуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Мансуров Ғолиб Фарходович Шароф Рашидов тумани, “Электр тармоқлари” корхонасида назоратчи-инспектор лавозимида ишлаб келиб, ўзига олдиндан нотаниш бўлган фуқаро Акрамова Умида Худойназаровнанинг Шароф Рашидов тумани Работ маҳалласи ҳудудида жойлашган фермер хўжалигидаги трансформаторида камчилик борлигидан хабар топиб, Шароф Рашидов тумани, Работ маҳалласи ҳудудидаги электр ҳолатлари бўйича шуғулланиш ваколатига кирмаслигини била туриб, фуқаро У.Акрамовага “агар менга 500 АҚШ доллари берсангиз электр тармоғидаги камчиликни ўзим бартараф қилиб бераман, ким текширишга келса ҳам ўзим жавоб бераман” деб айтиб, уни ишонтириб, аслида ушбу камчиликни бартараф қилиш нияти бўлмасада, ушбу пулларни ундириш мақсадида алдаб, ундан 2024 йил май ойининг ўрталарида Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласи ҳудудида 500 АҚШ доллари миқдорида пулларни олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Ғ.Мансуров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, текин даромад топиш мақсадида, фуқаро У.Акрамованинг такроран



ишончига кириб, уни алдаб, унинг Шароф Рашидов тумани, Равот маҳалласи худудида жойлашган фермер хўжалигидаги электр хисоблагични текшириш учун Жиззах худудий электр тармоқлари Жиззах филиали ходимлари келганидан хабар топиб, унга ушбу текшириш вакили Нурсултон исмли шахс ушбу электр тармоғидаги камчиликни ИИБга ариза қилиб чиқармаслик эвазига 4.000.000 сўм талаб қилаётганлигини маълум қилиб, унга “Нурсултон 4.000.000 сўм сўраябди, агар бермасангиз ИИБга ариза билан ушбу камчилигингизни чиқариб юборар экан” деб алдаб, уни мансабдор шахсга пора беришга далолат қилиб, ундан 2024 йил 31 май куни Жиззах шаҳар, Оққўрғонлик маҳалласи худудида айтилган 4.000.000 сўм пуллардан 3.000.000 сўмини олган вақтида, унга нисбатан тезкор-тадбир ўтказилганлиги сабабли, далилий ашёлар билан қўлга олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 10.06.2024 йилдаги хулосасига кўра, тақдим этилган Мансуров Голиб Фарходовичнинг ўнг ва чап қўллари, юз қисмида ҳамда эгнидаги қора рангли кўйлаги атрофидан олинган бинт тампонларида махсус кимёвий кукун излари мавжуд бўлиб, экспертга тақдим этилган намуна билан ташқи кўриниши ва кимёвий таркиби жихатдан бир-бирига турдош. Тақдим этилган ушбу 3 боғламда 10.00 купюралик жам 3.000.000 сўм пуллардан олинган 2 дона 10.000 сўмлик купюраларнинг устки қисмига “ПОРА” ёзувлари ёзилган бўлиб, ушбу ёзувлар экспертга тақдим этилган оқ қоғоз устидаги (1-сон хатжилддаги) “ПОРА” ёзувлари билан ташқи кўриниши ва кимёвий таркиби жихатдан бир-бирига турдошлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ғ.Мансуров содир этган жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил август ойидан буён Шароф Рашидов тумани “Электротармоқлари” корхонасида назоратчи-инспектор бўлиб ишлаб келганлигини, хизмат вазифасига унга бириктирилган маҳаллалар(Қахрамон МФЙ ва Истиқлол МФЙ)даги электр хисоблагичларни кўрикдан ўтказиш ва ноқонуний тармоққа уланганларга далолатнома ёзиш ва бошқалар кирганлигини, Акрамова Умидани 2024 йил май ойидан буён танишини, у билан Жамшид исмли ўртоғи орқали танишиб қолганлигини, бир куни У.Акрамова унга телефон қилиб “кўришайлик иш юзасидан гапим бор эди сизда” – деб айтганлигини, сўнг у билан 2024 йил май ойининг охирида Жиззах шаҳар Ёшлар маркази олдида кўришганлигини, шунда У.Акрамова унга Шароф Рашидов тумани Ровот маҳалласида полиз экинлари экиб келадиган ер майдони борлигини, у ердаги полизларни суғориш учун керак бўладиган электр хисоблаб берувчи трансформатор борлигини ва ушбу трансформатор ичидаги “тока-трансформатори (электр хисоблагични қувватини бир меёрда ушлаб турувчи мослама)” техник жихатдан носозлигини, агар иложи бўлса, ушбу мосламани тузатиб беришини илтимос қилганлигини, шунда унга “майли қилиб бераман ва хизмат хақи 500 АҚШ доллари бўлади” деб айтганлигини, шунда У.Акрамова уйдагилари билан гаплашиб, кейин жавобини айтишини билдирганлигини ва шу заҳоти танишлари билан телефон орқали маслаҳатлашиб, унинг таклифига рози бўлганлигини, сўнг шу куннинг ўзида Тожимурод исмли танишига У.Акрамованинг ер майдониндаги тока трансформаторини ечиб олиб келишини илтимос қилганлигини, бундан У.Акрамованинг хабари борлигини унга айтганлигини, бироқ Тожимуродга



ушбу трансформаторни нима мақсадда ечиб келиши ҳақида айтмаганлигини, Тожимуродни бу ишларидан хабари бўлмаганлигини, орадан тахминан 10 кунлар ўтиб, Тожимурод ушбу токани ечиб келиб, унга берганлигини, у ушбу “тока”ни олиб, У.Акрамовага телефон қилиб, уни тузатиб бўлмаслигини, куйиб кетганлигини, ўрнига янгисини сотиб олиши кераклигини айтганида, У.Акрамова унга “хўп майли, янгисини олиб келиб қўйиб беринг” – деб айтганлигини, сўнг Жиззах шаҳар Кимёгар маҳалласидаги “эхтиёт қисмлар бозори”дан янги ҳолатдаги “тока-трансформатор” номли мосламани ўзидан тахминан 600.000 сўм ҳаражат қилиб сотиб олиб, Тожимурод исмли монтер билан биргаликда У.Акрамованинг ер майдонига бориб, ушбу янги “тока-трансформатор”ни ўрнатиб келганлигини ва бунинг учун олдиндан келишилганидек хизмат ҳаққи эвазига 500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олганлигини, бундан ташқари ўша орада У.Акрамованинг ер майдонига Жиззах вилоят Электр тармоқлари корхонасида “электрохисоблагичларни алоқага чиқариш” бўлимида ишловчи Нурсултон исмли йигит келганлигини ва у токани текшириб, уни носоз эканлигини айтиб, у ердан кетганлигини, у бошида У.Акрамова “агар кимдир келиб электр бўйича муаммо қилса, ўзим хал қиламан” – деб айтганлиги сабабли У.Акрамова унга телефон қилиб, Жиззах вилоят Электр тармоқлари корхонасида ишловчи Нурсултон исми йигит келиб уни безовта қилаётганлигини айтганлигини, бироздан сўнг Умидага қайта телефон қилиб, ганчан Нурсултон билан гаплашмаган бўлсада, “Нурсултон билан гаплашдим, токада камчик борлигини айтаяпти, камчиликни ёзмаслиги учун 4.000.000 сўм пул сўраяпти” – деб ёлғон гапирганлигини, ушбу пулларни Нурсултонга ўзи орқали беришини, шунда Нурсултон муаммо қилмаслигини айтганлигини, шундан сўнг Нурсултонга берилиши лозим бўлган пулларни олиш учун 2024 йил 31 май куни Жиззах шаҳрида жойлашган Шароф Рашидов тумани Халқ банки автомашиналар тураргоҳида соат тахминан 15.00 атрофида У.Акрамова билан кўришганлигини, шунда У.Акрамова 3.000.000 сўм пулларни унга берганлигини, ушбу пулларни қўлида ушлаб турган вақтида, унинг олдида бир нечта фуқаролик кийимида бўлган фуқаролар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, унга нисбатан тезкор-тадбир ўтказилганлигини айтишиб, бўлиб ўтган ҳолат ҳақида гапиришини сўрашганлигини, шунда уларга бўлиб ўтган ҳолатни айтиб маълум қилганлигини, Тожимурод ва Нурсултон 3.000.000 сўм ва 500 АҚШ доллари пуллардан моддий манфаатдор бўлмаганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва ҳозирда унга нисбатан даъво йўқлигини маълум қилиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Ғ.Мансуров ўйга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқдорлик билдириб, юқоридаги кўрсатувларни бериб ўтган бўлса-да, унинг айби суд тергови давомида аниқланган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Акрамова қуйидагиларни, яъни 2022 йилдан буён Шароф Рашидов туманида жойлашган кўп тармоқли фаолиятга ихтисослашган “СAMPING” МЧЖда маслаҳатчи бўлиб ишлаб келишини, ушбу ердаги 50 гектар ер майдонининг 20 гектарига



шериги Жамшид билан тенгликда тарвуз экканлигини, 2024 йил май ойи бошларидан “CAMPING” МЧЖга қарашли бўлган ерни сув билан суғориш мақсадида у ердаги бир дона трансформатор ва бир дона артизан кудукдан фойдаланиб келганлигини, 2024 йилнинг май ойида ўзига олдиндан таниш бўлган ва бирга дехқончилик қилган шериги Жамшиддан ушбу ер майдонини суғориш мақсадида ўрнатган трансформатор ва бир дона артизан кудуғининг “ТОКА”си нотўғри ўрнатиб қўйилганлиги сабабли уни тузатиб берадиган бирор бир таниши бор ёки йўқлигини сўраганида, Жамшид унга элтекросетда ишловчи Ғолиб деган таниши борлигини, агар хохлаسا у билан таништириб қўйишини айтганлигини, шунда рози бўлиб Жамшиддан Ғолибнинг телефон рақамини олиб, Жамшиднинг номидан Ғолибга қўнғироқ қилиб у билан гаплашганлигини ва Жиззах шаҳар И.Каримов кўчасидаги бекат олдида кўришганлигини, шунда унга муаммосини айтганида, Ғолиб унга “ТОКА”ни тузатиб беришини, эвазига 500 АҚШ доллари ҳамда “монтёр”лик хизмати учун алоҳида 300.000 сўм пул беришини айтганлигини, шунда Ғолибга “бу айтаётган ишларингиз қонунийми, сабаби мен бу нарсаларни тушунмайман, агар ноқонуний бўлса керак эмас” – деб айтганлигини, шунда Ғолиб унга “буларнинг барчаси қонуний, сиз хавотир олманг, ноқонуний нарсани сизга таклиф қилмайманку, келгусида муаамо бўлса барчасига ўзим жавоб бераман” – деб айтганлигини, шундан сўнг оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, тахминан орадан 2-3 кун ўтиб, Ғолибга 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўзига нотаниш бўлган такси орқали Ғолибга бериб юборганлигини, Ғолиб пулни олганлиги тўғрисида унинг телефонида смс хабарнома юборганлигини, орадан бир кун ўтиб, Ғолиб бир монтёрини даласига жўнатиб юборганлигини, монтёр даладаги “ТОКА”ни ечиб, ўзи билан бирга олиб кетганлигини, шунда монтёрга хизмати учун ўзи ва Жимшид жами 300.000 сўм пулларни берганлигини, эртаси куни ўша монтёр даласига келиб, “ТОКА”ни қайтадан ўрнатиб кетганлигини, лекин ушбу Тока ҳақида бирор маълумот айтмаганлигини, ўзи ҳам қизиқиб ундан сўрамаганлигини, орадан тахминан 10-15 кунлвр ўтиб, унинг экин майдонига Жиззах вилоят электротармоқлари корхонаси ишчи гуруҳидан Нурсултон исмли ходим келиб, ушбу жойни кўздан кечириб, “ТОКА” нотўғри ўрнатилганлигини, яъни ушбу ТОКА катта эканлигини, хужжатда 100/5 кўрсатилган бўлсада, бироқ ушбу ТОКА 150/5 эканлигини, уни дарҳол тўғирлаш лозимлигини айтганлигини, шунда ундан “нима ноқонуний ўрнатилганми” – деб сўраганида, Нурсултон унга “йўқ ноқонуний эмас, фақат нотўғри қўйилган, тўғирлаб қўйинг, бу ҳақида назоратчига чиқиб айтинг, тўғирлаб беради” – деб айтганлигини, шунда Ғолибнинг “ким келса ўзим жавоб бераман” – деган гаплари ёдига тушуб, Ғолибга телефон қилганлигини ва унга ушбу ҳолатни айтганлигини, шунда Ғолиб унга “Нурсултон билан ўзим гаплашаман, хавотир олманг” – деб айтганлигини, орадан бир соатлар вақт ўтиб, Ғолиб унга телефон қилиб, “тезлик билан 4.000.000 сўм Нурсултонга бермасангиз, ИИБга чиқариб юборади” – деб айтганлигини, сўнг ушбу ҳолат бўйича танишлари билан маслаҳатлашиб, Ғолиб ва Нурсултонлар уни алдаб, униинг ишончига кириб, ундан пул ундирмоқчи эканлигини тушуниб етиб, ИИБга мазкур ҳолат юзасидан ариза билан мурожаат қилганлигини, сўнг ИИБ ходимлари



томонидан мазкур ҳолат юзасидан тезкор-тадбир ўтказилиб, 2024 йил 31 май куни Ғолиб билан телефон орқали гаплашиб, учрашиш жойини келишиб олиб, белгиланган вақтда Жиззах шаҳар Окқўрғонлик маҳалласида жойлашган “БОВЛИНГ” кўнигочар дам олиш маскани орқа томонидаги автомашиналар тураргоғида Ғолиб билан кўришиб, унга келишилган 4.000.000 сўмдан 3.000.000 сўмини берганлигини, Ғолибга ушбу пулларни санаб олишини айтганида, Ғолиб унга “сизга ишонаман” – деб айтганлигини, сўнг олдиндан келишилган махсус ишорани ходимларга кўрсатганлигини, улар келиб Ғолибни ушлашганлигини ва уларни ИИБ биносига олиб борганлигини, ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганликларини, ҳозирда унга етказилган зарарлар судланувчи томонидан тўлиқ қоплаб берилганлигини, шу сабабли судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини баён қилиб, суддан судланувчи Ғ.Мансуровга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Н.Мамарахимов қуйидагиларни, яъни Жиззах ҳудудий электр тармоқлари Жиззах филиали АСКУЕ бўлими муҳандиси лавозимида 2024 йил май ойидан буён ишлаб келишини, хизмат вазифасига электрон ҳисоблагичларни алоқага чиқариш ва уларнинг доимий ишлаш фаолиятини назорат қилиб туриш киришини, Ғ.Мансуровни 2024 йил тахминан май ойидан буён танишини, у билан телефон орқали икки марта хизмат юзасидан гаплашганлигини, юзма-юз кўришмаганлигини, 2024 йилнинг тахминан 25 май куни ишчи гуруҳ билан бирга Шароф Рашидов тумани Равот маҳалласи ҳудудида жойлашган Умида исмли аёлнинг фермер эъжалигида электрдан тўғри фойдаланиш ҳолати юзасидан текшириш ўтказиш учун борганлигини, у ерда ўзини Умида опанинг ўғлиман деб таништирган ёшлари чамаси 16-18 ёш атрофидаги йигит билан кўришганлигини, унга ўзини таништириб, келишининг сабабини тушунтирганлигини ва ушбу ер майдонидаги ернинг марказида жойлашган электр ҳисоблагич ускунасини(трансформатор) кўздан кечирганлигини, ушбу электр ҳисоблагичдаги 3 та фазалар(тармоқлар)нинг жойи алмашиб қолганлигини, яъни ушбу ускунадаги “тока”(коэффициентни ҳисоблаб берадиган мослама) ларининг с1 ва с2 нинг жойи алмашиб қолганлигини истемолчига тушунтирганлигини, шунда ушбу йигитча бунақанги масалаларга тушунмаслигини айтиб, онаси У.Акрамова билан телефон орқали боғлаб берганлигини, худди шу гапларини У.Акрамовага ҳам телефон орқали айтганлигини, сўнг ушбу ҳудудга бириктирилган ходим Аманов Бахтиёр исмли назоратчисига мазкур қонун бузилиш ҳолатини тушунтирганлигини ва мазкур ҳолат юзасидан ушбу истемолчига огохлантириш бериб, ушбу ҳолатни тўғрилаб қўйишини айтиб кетганлигини, 2024 йил 31 май куни У.Акрамова унга соат тахминан 15.00 атрофида телефон қилиб, “сиз нега мендан пул сўраябсиз?” – деб айтганлигини, шунда унга “мен сизни танимайман, мен сиздан қачон пул сўрадим, нега унақа деяпсиз” – деб айтган вақтида, у телефонни қўйиб қўйганлигини, ўша вақтда ҳеч нарсага тушунмай хайрон бўлганлигини, сўнг унга қайтиб чиқиб, ҳолат бўйича сўрамоқчи бўлганида, унинг телефони ўчирилган бўлганлигини, сўнг уни 2024 йил 31 май куни Жиззах вилоят ИИБ бошқармасига чақиришганлигини, шунда Ғ.Мансуров унинг номини сотиб, У.Акрамовадан пул талаб қилганлигини ва ушбу пулни



олаётган вақтда ИИБ ходимлари томонидан қўлга тушганлигини билганлигини, Ғ.Мансуровдан У.Акрамованинг электр тармоғидиги камчилигини тўғрилаб бериш эвазига пул беришини сўрамаганлигини, билганлари шулардан иборатлигини баён қилди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Аманқулов қуйидагиларни, яъни 2024 йил 18 июль кунидан буён Зарбдор тумани электр тармоқлари корхонасида энергия сотиш бўлими бошлиқ ўринбосари лавозимида ишлаб келишини, унгача яъни, 2021 йил 1 июнь кунидан 2024 йил 18 июль кунига қадар, Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги Бўстон 35/10-кв пад станциясидан чиқувчи ПМК-25 линиясининг электр сотиш муҳандиси бўлиб ишлаганлигини, ўша вақтдаги хизмат вазифасига унга бириктирилган ҳудуддаги юридик истеъмолчиларни кўриқдан ўтказиш ва қарздор истеъмолчиларни тармоқдан узиш, ноқонуний ҳолатларни олдини олиш, аниқланган тақдирда эса далолатнома тузиш кирганлигини, Шароф Рашидов тумани Работ маҳалласида жойлашган ҳудуд унга бириктирилмаган бўлмада, У.Акрамова исмли фуқарога тегишли бўлган “САМПИНГ” МЧЖнинг ери жойлашган жой ушбу юқоридаги Бўстон 35/10-кв пад станциясидан чиқувчи ПМК-25 линиясининг орқал уланганлиги учун унинг назорати унга бириктирилган бўлганлигини, 2024 йил тахминан май ойининг охирида вилоят Электр тармоқлари корхонасининг ишчи гуруҳидан бўлган Нурсултон исмли йигит унга телеқфон қилиб, ушбу Бўстон 35/10-кв пад станциясидан чиқувчи ПМК-25 линиясини текшириб юрганлигини айтганлигини, шунда унга бемалол текшириб қўраверинглар деб айтганлигини, сўнг 2024 йил 31 май куни “САМПИНГ” МЧЖни навбатдаги кўриқдан ўтказиш учун борган вақтида, У.Акрамова жойида бўлмаганлигини, у ердаги трансформаторни текширмоқчи бўлганида, унинг қулфланганлигини ва қалити ҳам ўзларида кетганлигини билганлигини, шу сабабли текшира олмасдан у ердан кетганлигини, кейинчалик, ушбу унга бириктирилган ҳудуддаги электр тармоғи юзасидан нима сабабдан бошқа ҳудуд назоратчиси бўлган бир шахс пул олганлигини ва текзор тадбирда тушганлигини билганлигини, У.Акрамованинг еридаги тока-трансформаторини коэффицентини 100/5 эканлигини билишини, у базада ҳам шундай турганлигини, ўзгартирилмаганлигини, ёрлиғида ҳам шундай ёзилганлигини, Ғ.Мансуровни танимаслигини, билганлари шулардан иборатлигини баён қилди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳ А.Мусурмонқулов, Ж.Абидов, Д.Неъматуллаев, С.Жумабоев ва Т.Эргашевларнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари тарафларнинг розилигига кўра суд мажлисида ўқиб эшиттирилганида, судланувчи Ғ.Мансуров уларнинг ушбу кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини билдирди.

Суд, ушбу жинойт иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95 ва 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Ғ.Мансуровнинг мазкур жинойтни содир



этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳ А.Мусурмонкулов, Ж.Абидов, Д.Неъматуллаев, С.Жумабоев ва Т.Эргашевларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари суд мажлисида судланувчилар ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи Ғ.Мансуров томонидан тасдиқланганлиги билан, У.Акрамованинг аризаси, Жиззах вилоят ТҚЖ ЖҚБ катта тезкор вакили А.Мусурмонкуловнинг билдиргиси, сўзлашувлар стенограммаси, тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор ҳамда бошқа асосли далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, мазкур далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос, ишончли далиллар деб баҳолаб, судланувчи Ғ.Мансуровни мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айблаш учун асослар етарли деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғ.Мансуров томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этган фирибгарлик жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ушбу жиноятни такроран содир этганлиги ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ҳамда мансабдор шахсга пора беришга далолат этганликда ифодаланган жинойий ҳаракати ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддаси 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси 3-қисмида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 1-банди 2-хатбошида “Пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмасада, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган мансабдор шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти деб топилиши лозим” деб ҳамда 18-бандида, “Порахўрлик тўғрисидаги ишларни кўраётганда судлар жазо тайинлашда алоҳида ёндашиш тўғрисидаги қонун талабига қаттиқ риоя қилишлари лозим, токи пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилишда айбдорларга асоссиз равишда енгил ёки бўлмаса қилмишига мос бўлмаган оғир жазо тайинлашга йўл қўйилмасин” – деб;



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2023 йил 23 июндаги 17-сонли Қарорининг 29-бандида, “ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт” – деб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” – деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб ҳамда 45-бандида, “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт” – деб тушунтиришлар берилган.

Суд, мазкур Конституциявий норма ва Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, судланувчи Ғ.Мансуровга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини ва жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инobatга олиб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида инobatга олиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя этган ҳолда, судланувчи Ғ.Мансуров Шароф Рашидов тумани “Электр тармоқлари” корхонасида назоратчи-инспектори вазифасида ишлаб келиб, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, иш фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этганлиги боис унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, уни Худудий электр тармоқлари тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, айби квалификация қилинган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда ЖКнинг 211-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, ЖКнинг 59 ва 61-моддалари тартибида узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган 3.000.000 (уч миллион) сўм пуллар Жиззах вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили А.Мусулмонқуловга тилхат асосида қайтарилганлиги сабабли, ушбу масалани



муҳокамадан қолдиришни, 1 дона дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни, суртмалар, резина қўлқоп, махсус қалам бўлакларини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси 5-қисмидаги “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар-ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек, авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга”лиги ҳақидаги талабларидан келиб чиқиб, судланувчи ҳамда тарафларга суд ҳукмига нисбатан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим деб билади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Мансуров Ғолиб Фарходович (Mansurov G‘olib Farxodovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 25,168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Мансуров Ғолиб Фарходовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилган ҳолда 1 (бир) йил Худудий электр тармоқлари тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилган ҳолда 1 (бир) йил Худудий электр тармоқлари тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан тунги вақтда, яъни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаш шарти билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Мансуров Ғолиб Фарходовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 1 (бир) йил 6 (олти) ой Худудий электр тармоқлари тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тунги вақтда, яъни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаш шарти билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазоси, унинг доимий яшаш жойи, яъни Жиззах шаҳар, Сайилжойи маҳалласи, Сангзор кўчаси, 2/1-уйда утаттирилсин.

Жазо муддати жазони ижро этиш инспекцияси томонидан ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган асосий ва қўшимча жазолар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида ижро эттирилсин.



Судланувчи Ғ.Мансуров, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талабига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа оғирроқ турдаги жазо билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ғ.Мансуровга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли жабрланувчи У.Акрамованинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 3.000.000 (уч миллион) сўм пуллар Жиззах вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили А.Мусулмонқуловга тилхат асосида қайтарилганлиги сабабли муҳокамадан қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган суртмалар, резина қўлқоп, махсус қалам бўлаклари ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди орқали Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.О.Тангматов

Аслига тўғри:

